

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12. 2019.Fil.05.02. РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИМОВА САЙЁРА ХУСАНБОЕВНА

**“РАД ЭТИШ” НУТҚИЙ АКТЛАРИНИНГ ЛИНГВОПРАГМАТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ (ИНГЛИЗ, РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА (PhD) ФАЛСАФА ДОКТОРИ
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2022

УЎК:811.111'367.6

811.161.1'367.6

811.512.133'367.6

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Азимова Сайёра Хусанбоевна

“Рад этиш” нутқий актларининг лингвопрагматик хусусиятлари (инглиз, рус ва ўзбек тиллари мисолида)3

Азимова Сайёра Хусанбоевна

Лингвопрагматические особенности речевых актов “выражение отказов” (на примере английского, русского и узбекского языков).....25

Azimova Sayyora Xusanboyevna

Linguopragmatic features of speech acts “expression of refusals” (on the example of English, Russian and Uzbek languages)49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works53

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12. 2019.Fil.05.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИМОВА САЙЁРА ХУСАНБОЕВНА

“РАД ЭТИШ” НУТҚИЙ АКТЛАРИНИНГ ЛИНГВОПРАГМАТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ (ИНГЛИЗ, РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА (PhD) ФАЛСАФА ДОКТОРИ
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/2691 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университети тилшуношлик кафедрасида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Фарғона давлат университети веб-сайти www.fdu.uz ҳамда «Ziyounet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Азизов Улугбек Ботирович
социология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент

Расмий оппонентлар:

Хошимов Ғанижон Мирзаахмедович
филология фанлари доктори, профессор

Абдурахмонова Нилуфар Зайнобиддин кизи
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг «29» ноябрь 2022 йил соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Б.Марғинович кўчаси, 105-уй. Тел.: (993873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (203 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-71-28).

Диссертация автореферати 2022 йил «17» ноябрь куни тарқатилди.
(2022 йил «17» ноябрь даги «61» рақамли реестр баённомаси).



Ш.М.Искандарова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

М.Т.Зокиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.н., профессор

А.Б.Мамажонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида нутқ актлари ҳодисаларини ўрганиш доимо долзарб ҳисобланган. Инглиз, рус ва ўзбек ларини иккинчи чет тили сифатида ўрганаётганлар учун “рад эт и ифодалашда нутқ актининг лингвопрагматик хусусиятларини билиш катта аҳамиятга эга. Жаҳон ва миллий тилшунослик тажрибаси шуни кўрсатадики, замонавий лингвистик контекстда тил назарияси доирасида нолисоний тузилмалар тилнинг асл табиатига таъсир қилади ва унинг грамматик категорияларини, синтактик тузилмаларини ва ҳоказоларни белгилашда муҳим омил саналади. Бундан ташқари, инсоннинг ижтимоий маънаси, оиласи, гендер омили ва бошқа шу каби ижтимоий тузилмалар коммуникатив нутқ актининг прагматик маъносини ёритишда муҳим саналади. Айнан референт тилга оид бўлмаган тузилмалар ва омиллар муайян нутқ актининг маълум бир мамлакат ижтимоий меъёрларига мувофиқлигини (мослигини), шунингдек, номувофиқлигини ҳам белгилайди.

Дунё тилшунослигида турли тизимли тиллардаги нутқ актларининг нолингвистик хусусиятларини ўрганиш, шунингдек, бу тилларнинг ижтимоий меъёрлар ва маданиятлардаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларини қиёслаш ўрганилаётган муаммо моҳиятини ёритиш имконини беради. Анъанавий тил назарияси доирасида контекстдаги бу каби нолингвистик тузилмалар ва омиллар ҳалигача аутентик коммуникатив вазиятлар нуқтаи назаридан таҳлил қилинмаган. Хусусан, мулоқотда одамлар кўпинча бошқаларга (дўсти, устози, раҳбари ва ҳ.) эътироз билдирадилар ва бу “рад этиш” нутқ актлари ёрдамида амалга оширилади. “Рад этиш”лар нутқ актларига тааллуқлидир. Нутқий актлар нафақат воқеликни тасвирлайди, айти пайтда улар “рад этувчи” шахснинг маълум бир жамиятда қабул қилинган муайян ижтимоий меъёрларга, хатти-ҳаракатлар меъёрларига қанчалик риоя қилишини ҳам кўрсатади. Демак, рад этишни актлар орқали ифодалаш шунчаки лингвистик акт эмас, балки ижтимоий акт ҳамдир. Мазкур акт синтактик, семантик, грамматик ва услуб қоидалари билан белгиланмайди. Нутқий акт, энг аввало, бу социал актдир ва унга нолингвистик омиллар таъсир кўрсатади ҳамда унинг ижтимоий мазмунини белгилайди.

Инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ижтимоий меъёрлар ва бошқа нолингвистик омилларнинг қиёсий таҳлили ушбу омилларнинг республикамизда инглиз тилининг ўқитиш жараёнига интеграциялашуви, бу жараёнда анъанавий тил ёндашувини қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади (грамматик ва аудио-лингвистик усуллар асосида). Кўп маданиятли дунёда илм-фан ва техниканинг изчил ривожланиши ёшлардан бир неча тилларни чуқур билишни талаб қилади. Бу эса, ўз навбатида, ўрганилаётган тилларнинг фонетик, лексик ва грамматик хусусиятларинигина эмас, балки халқ маданияти, маънавияти, миллий-ментал хусусиятларини акс эттирувчи ҳодисаларни ҳам муштарак ҳолда тадқиқ қилишни тақозо этади. Бу борада мамлакатимизда “илмий, интеллектуал ва молиявий ресурсларни тўлиқ

сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, келгусида фанни узлуксиз ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш¹ вазифалари изчил ҳал этилмоқда. Бу вазифалар талабаларнинг прагматик ва социолингвистик компетенциясини ривожлантиришга қаратилган инглиз/рус тилларини ўргатиш ва баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

Мазкур илмий-тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбекистон Республикаси Президентининг нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги; 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги; 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари; 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги; 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ва ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда чет тилларни ўқитишда коммуникатив ёндашувларнинг долзарблигини ҳисобга олган ҳолда прагматика ва социолингвистика муаммоларига бағишланган диссертациялар майдонга келди. Бундай ишлар қаторига М.Х.Ҳақимовнинг «Ўзбек прагмалингвистика асослари»², «Прагмалингвистика асослари»³, Ш.С.Сафаровнинг «Прагмалингвистика»⁴, «Когнитив лингвистика»⁵, Д.У.Ашурованинг “Инглиз тили сўз ясалишининг стилистик ва прагматик жиҳатлари”⁶ ва бошқа тадқиқотларини киритиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Фармони // <https://lex.uz/ru/docs/5073449> (Дата обращения: 15.01.2021)

² Ҳақимова М.Х. Ўзбек прагмалингвистика асослари. – Т., 2013

³ Ҳақимова М.Х. Прагмалингвистика асослари. – Фарғона, 2020

⁴ Сафарова Ш.С. Прагмалингвистика. Монография. – Т., 2008

⁵ Сафарова Ш.С. Когнитив лингвистика. – Жиззах, 2006

⁶ Ашурова Д.У. Стилистические и прагматические аспекты словообразования английского языка: Дисс. канд. филол. наук. – Т., 1993. – 405. Ашурова Д.У. Производное слово в свете коммуникативной теории языка. – Т., Фан, 1991. – 98 с. Ашурова Д.У. Лексикон как отражение национально-культурной специфики языка. // 2-Международная науч. конф. Язык и Культура, 17-21 сентябрь 2003 г. – М., 2003г 231 с. Ашурова Д.У. Стилистика текста в парадигме когнитивной лингвистике // Филология масалалари. – 2003/1 – С.41. Ашурова

мумкин. Шунингдек, “Фразеология прагматикаси ва унинг матнли актуаллашуви”⁷, “Мақтовнинг социолингвистик ва прагмалингвистик хусусиятлари”⁸, “Бадий портретнинг лингвистик-стилистик воситалари ва когнитив-прагматик аҳамияти”⁹, “Инглиз, ўзбек ва рус тилларида Word / сўз тушунчаси соҳасининг вербализацияси дунё расмлари”¹⁰, “Адабий матндаги кўшма сўзларнинг лингвокультурологик ва гендер хусусиятлари”¹¹, “Хотира концептининг инглиз ва ўзбек тилларидаги умумий ва ўзига хос хусусиятлари”¹², “Диалогик дискурдаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик тадқиқи”¹³ каби тадқиқотлар ҳам бевосита мавзу билан алоқадордир.

Шундай бўлса-да, ўзбек олимларининг бу асарларида тилни прагматика/социолингвистика нуқтаи назаридан таҳлил қилишда асосан сўз/фразеологик бирликлар/тушунчаларга эътибор қаратилган бўлиб, бунда нутқ ижтимоий мақом, жинс, ижтимоий меъёрлар ва бошқа шу каби омиллар тўпланган ижтимоий хатти-ҳаракатлар бирлиги деб қаралмайди ва комплиментнинг социолингвистик хусусиятлари намоён бўлган нутқ прагмалингвистик жиҳатдан ўрганилган бўлса-да, бу назария кўп ҳам нутқий актлар назариясига мувофиқ келавермайди, чунки унинг ёрдамида нутқ ижтимоий акт сифатида ўрганилади. Тақдим этилаётган диссертация мавзуси инглиз, рус ва ўзбек тилларига хос ижтимоий хулқ-атвор ва ижтимоий меъёрларни “рад этиш” ифодасини ўрганиш орқали ўзбек тилшунослигининг назарий муаммоларини ҳал этади.

Жаҳон тилшунослигида когнитология ва прагмалингвистика соҳасидаги тадқиқотлар Н.А.Арутюнова, Т.А. ван Дейк, А.Вежбицкая, В.В.Воробьёв, В.З.Демьянков, Б.Гавранек, Б.М.Гаспаров, К.В.Голубина, В.И.Карасик, А.А.Кибрик, Г.В.Колшанский, О.А.Корнилов, Е.С.Кубрякова, М.Минский, Г.Г.Молчанова, С.Моррис, В.Л.Нажер, Е.О.Опарина, Ю.С.Степанов, И.П.Сусов, В.Н.Телиа ва бошқа олимлар номлари билан боғлиқ. Мазкур прагматикачиларнинг умумий жиҳатлари шундаки, улар асосан тилнинг ижтимоий томонига эътибор қаратадилар. Бу билан улар тилнинг жамиятни қандай шакллантиришини, тарихан шаклланган айрим маданий кодлар ва

Д.У. Стилистика и Лингвокультурология // Тил ва миллий маданият. Самарканд Давлат Чет Тиллар Институтининг 10 йиллик юбилейга бағишлаб ўтказилган халқаро илмий-назарий конференцияси, 2004 йил, 26-27 ноябрь.- Самарканд, 2004. – 204 с.

⁷Исмаилов А.Р. Прагматика фразеологии и ее текстовая актуализация: на материале окказиональных преобразований фразеологических единиц английского языка: Дисс. канд. филол. наук. – Самарканд, 2001. – 162.

⁸Юлдашева Н.М. Социолингвистические и прагмалингвистические особенности комплимента: Дисс. канд. филол. наук. – Самарканд, 2004. – 167.

⁹Акбарова С.А. Лингвостилистические средства и когнитивно-прагматическая значимость художественного портрета: на материале английских художественных текстов: Дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 2005. – 145.

¹⁰Галиева М.Р. Вербализация концептосферы Word / сўз / слово в английской, узбекской и русской языковых картинах мира: Дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 2010. – 266.

¹¹Тухтасинов И.М. Лингвокультурологические и гендерные особенности сложных слов в художественном тексте: на материале английского и узбекского языков: Дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 2011. – 157.

¹²Агзамова Д.Б. Хотира концептининг инглиз ва ўзбек тилларидаги умумий ва ўзига хос хусусиятлари: Дисс. канд. филол. наук. – Тошкент, 2012. – 164.

¹³Раупова Л.Р. Диалогик дискурдаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик тадқиқи: Дисс. канд. филол. наук. – Тошкент, 2012. – 261.

ижтимоий хулқ-атворларнинг тилга қандай сингиб кетганлигини исботлашади. Улар тилдаги маъноларнинг ижтимоий мулоқотда қандай ифода топишига тўхталиб ўтадилар ва ўз тадқиқотларида нутқий актларни ўрганган бўлишларига қарамай, бу актлар чет тилларни ўрганишда нолингвистик омилларни таҳлил қилишда алоҳида аҳамиятга эга эканлигига етарлича эътибор қаратмайдилар. Тақдим этилаётган диссертация нутқий актлар назарияси доирасида мавжуд нолингвистик омилларни учта тил – инглиз, рус ва ўзбек тилларини таққослаш орқали муаммони аниқ тушунишга ёрдам беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг “Замонавий тилшунослик муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз, рус ва ўзбек тилларида “рад этиш” нутқий актларнинг лингвопрагматик хусусиятларини ўрганиш, ижтимоий хулқ-атвор ва ижтимоий меъёрларни таққослашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

хорижий ва маҳаллий тилшуносларнинг нутқий актлар ҳақидаги назарий қарашларини илмий аспектда кўриб чиқиш;

инглиз, рус ва ўзбек тилларида олиб бориладиган мулоқотнинг мослигини белгиловчи “рад этиш” нутқий актларнинг лингвопрагматик хусусиятларини қиёслаш;

инглиз, рус ва ўзбек тилларида “рад этиш”ни ифодалашга доир нутқий актларнинг лингвопрагматик хусусиятларини аутентик материаллар (фильмлар, электрон почта хабарлари, уч тилдаги ситуацион диалоглар таҳлили) асосида ўрганиш;

республика олий ўқув юртларида инглиз/рус тилларини коммуникатив компетенциялар нуқтаи назаридан нутқ актлари ва уларнинг ижтимоий контекстларига эътибор қаратган ҳолда ўқитишни ташкил этиш имкониятларини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўргатиш жараёнига нутқий актларни интеграция қилиш йўллари тақлиф қилиш (Ўзбекистонда иккинчи тилни ўзлаштириш жараёнига).

Тадқиқот объекти сифатида инглиз, рус ва ўзбек тилларида “рад этиш” нутқий актларга доир жараёнлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети инглиз, рус ва ўзбек тилларининг лингвопрагматик хусусиятлари билан боғлиқ “рад этиш” нутқий акт шакллари, усуллари ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Танланган мавзунини ёритиш учун лингвистик тавсиф, таснифлаш усуллари, шунингдек, қиёсий, функционал-семантик, лингвопрагматик ва контекстуал таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

мулоқот пайтида она тилида сўзлашувчиларнинг иллокутив ва перлокутив нутқ актларининг ижтимоий аҳамиятини (мослигини) белгилайдиган ижтимоий қоидаларга амал қилишлари, ижтимоий вазиятнинг долзарблигини аниқлаш ва адресатнинг прагматик ва социолингвистик компетенциясини тавсифловчи нутқ қоидалари ва стратегияларини танлаш қобилияти исботланган;

ижтимоий контекст ва ижтимоий ўзаро таъсирга эътибор қаратган лингвопрагматик ёндашув – узр сўраш, тавсифлаш, таклиф қилиш, ваъда бериш, саломлашиш, хайрлашиш, ахборот олиш ва ахборот тақдим этиш каби реал коммуникатив вазиятларни (нутқ актларини) муҳокама қилиш орқали коммуникатив компетенцияни ривожлантиришни амалга ошириши асосланган;

замонавий лингвистик контекстда тил назарияси доирасида аутентик нутқларни таҳлил қилиш, одамларнинг мулоқот жараёнида вербал ва невербал коммуникатив ўзаро таъсирини талқин қилишни, шунингдек, тилнинг мафкуравий, тарихий, ижтимоий, маданий хусусиятлар ҳамда муносабатлар доирасидаги ўрни далилланган;

инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги нутқий актларнинг қиёсий таҳлили натижасида рад этишни ифодаловчи нутқий актларда маданий тафовутлар мавжудлиги инглиз тилида рад этиш эксплицит (тўғридан-тўғри), рус ва ўзбек тилларида имплицит (яширин) оҳангга эга эканлигини аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги нутқий актларнинг нолингвистик хусусиятлари ўрганилиб, бу уч тил – инглиз, рус ва ўзбек тилларнинг ижтимоий меъёрлари, маданиятидаги умумийлик ҳамда хусусийлик нуқтаи назаридан аниқланган;

нутқий актларнинг назарий масалалари бўйича ўқув қўлланмалар, дарсликлар яратишда ўзига хос назарий ва амалий материал эканлиги асослаб берилган;

“Хорижий тилни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш”, “Прагмалингвистика”, “Чоғиштирма тилшунослик” каби фанларни ташкил этиш ва ўқитишда диссертация материалларидан самарали фойдаланиш мумкинлиги асосланган;

нутқий акт бу энг аввало, нолингвистик омиллар таъсир қилувчи ҳамда унинг ижтимоий аҳамиятини белгиловчи социал акт эканлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги мавзунини илмий асослаш, ўрганилган материалларни расмий манбалардан олиш, тўпланган материални назарий жиҳатдан асослаш, хулоса ва тавсияларни амалиётга татбиқ этиш орқали тадқиқот натижаларининг мувофиқлиги таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тилида мулоқотнинг назарий жиҳатлари билан белгиланади, замонавий ўзбек тилшунослиги асосан структуравий тилшуносликка таянса-да, миллий тилшунослигимизда жаҳон прагматик олимларидан Жон Остин, Жон Сearл, Марианна Цельче-Мурсия,

Елите Олштейн, Норико Ишихараларнинг асарлари потенциал даражада ўрганилмаган бўлиб, диссертацияда ушбу олимларнинг қарашларидан мавзуну назарий асослашда фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижалари ва материалларидан олий ўқув юртларининг ўқув жараёнида, маъруза ва семинарлар, тилшунослик, прагматика, коммуникатив компетенциялар бўйича махсус курсларни ишлаб чиқиш ва ўтказишда диссертациялар, монографиялар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ёзишда, махсус луғатлар тузишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорийланиши. Нутқ актларининг лингвопрагматик хусусиятларини ўрганиш натижасида олинган илмий натижалар ва хулосалардан қуйидаги лойиҳаларда фойдаланилди:

Мулоқотда она тилида сўзлашувчилар коммуникатив ва перлокутив нутқ ҳаракат/актларининг ижтимоий аҳамиятини (мослигини), ижтимоий вазиятнинг долзарблигини аниқлаш ва қабул қилувчининг прагматиклигини тавсифловчи тегишли нутқ қоидалари ва стратегияларини танлаш қобилиятини белгилайдиган ижтимоий қоидаларга амал қилишлари ҳақидаги ижтимоий лингвистик компетенция ҳақидаги хулосалардан 1-ДЕ01-КА107-005433ИСМ рақамли КА-107 – Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон олий таълим муассасалари ўртасида халқаро кредит мобиллиги, Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети ва Бочум Рухр университети (Германия) 2020 йил ўрталарида ходимлар ва талабалар алмашинуви лойиҳалари доирасидаги халқаро кредит мобиллигида фойдаланилди (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2022 йил 7 январдаги 01/6-сон маълумотномаси). Натижада лингвокултурология, лингвистик матн таҳлили, маданиятлараро мулоқот каби фанлар бўйича дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар ва маъруза матнлари, шунингдек, электрон манбалар, назарий ва амалий материаллар сифати сезиларли даражада яхшиланди;

замонавий лингвистик контекстда тил назарияси доирасида реал нутқларни таҳлил қилиш, тилнинг ижтимоий, маданий, ғоявий, тарихий хусусиятлари ҳамда одамларнинг мулоқот жараёнида оғзаки ва оғзаки бўлмаган коммуникатив ўзаро таъсир талқини хусусидаги назарий хулосалардан 561624 рақамли “ЕПП-1-2015-1-УК-ЕППКА2-ГБХЕ-СП – ИМЕП” – “Ўзбекистон олий таълим тизимида халқаро таълим жараёнларини модернизация қилиш” халқаро лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2022 йил 7 январдаги 01/7-сон маълумотномаси). Натижада дунёни англаш ва унинг нутқда акс этиши билан боғлиқ ижтимоий-психологик жиҳатларни ўрганишда сўзловчи шахс тафаккури ва тил соҳибининг тилга онгли ёндашувига доир ўзига хос жиҳатлар ёритилди;

инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги нутқий ҳаракатларнинг қиёсий таҳлили асосида “рад этиш”ни ифодалаш билан боғлиқ нутқ актларида маданий фарқлар борлиги аниқланди, яъни инглиз тилидаги “рад этиш” нутқида тўғридан-тўғри рад этиш оҳанги билан боғлиқ иш хулосалардан Ўзбекистон

Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston” телерадиоканалининг “Таълим ва тарбия”, “Болалар ва биз” кўрсатувлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston” телерадиоканалининг 2022 йил 7 январдаги 04-36-25-сон маълумотномаси). Натижада эшиттириш материалларининг илмий-амалий жиҳатлари бойитилиб, оммавийлиги таъминланди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 республика конференцияларида муҳокама қилинган.

Диссертация натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та (2 та республика ва 6 та хорижий журналларда) мақола чоп этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 126 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Чет тилларни ўрганишда нутқий актларнинг лингвопрагматик хусусиятлари: дунёни тушунишнинг танқидий назарияси”** деб номланган бўлиб, унда структур тилшуносликнинг танқидий фонида нутқий актлар назарияси тадқиқ этилди. Хусусан, Жон Остин ва Жон Сёрлнинг нутқ актлари назариясига доир қарашлари таҳлил этилган бўлиб, бу назариянинг пайдо бўлиш тарихи ва вужудга келиш тамойиллари кўриб чиқилди. Шу мақсадда ушбу бобнинг биринчи фаслида **“Жон Остин ва Жон Сёрлнинг нутқий акт назарияси”** Жон Остин ва Жон Сёрл томонидан нутқ актлари назарияси, нутқ назариясининг шаклланиш тарихи келтирилган ва бу назарияга асосланган тамойиллар қайд этилган. Ушбу бобнинг иккинчи фаслида **“Нутқ актлари назарияси ва коммуникатив компетенциялар: “рад этишни ифодалаш” нинг прагматик таҳлили”** иллокутив актнинг прагматик таҳлили, прагматик компетенция ва унинг параметрлари (ўлчовлари, мезонлари) нутқнинг ҳақиқий материалларини таҳлил қилишда ишлатилади, **“рад этишни билдириш”** актлари таҳлил қилинади. **“Ўзбек тилшунослигида иллокутив актлар доирасидаги академик дискурс”** деб номланган учинчи фаслида прагматик компетенция ва унинг параметрлари (ўлчовлари, мезонлари) ҳақида фикр юритилди. **“Рад этиш ифодаси”** асосида иллокутив актларнинг аутентик (ҳақиқий) табиати ўрганилди, собиқ иттифоқ даври ўзбек тилшунослиги доирасида прагматикага оид илмий манбалар

танқидий таҳлил қилинди. Бу эса ўзбек академик дискурсида прагматикага оид бўшлиқлар, “рад этиш” нутқий актларни аниқлаш имконини берди.

Жон Остин ва Жон Сёрл эътибор қаратган нутқ актлари назарияси прагматиканинг муҳим соҳаларидан биридир. Прагматика маънонинг ҳосил бўлиш жараёнини унинг функционал компоненти (фойдаланишдаги маъно - meaning-in-use) нуқтаи назаридан ўргангани сабабли, нутқий актлар назарияси ўз эътиборини тилнинг ана шу функционал томонига қаратади. Бу ҳукм (фикр) биринчи марта 1960 йилларда инглиз файласуфи, тилшунос Жон Остин томонидан таклиф қилинган бўлиб, уни америкалик файласуф ва тилшунос Жон Сёрл янада ривожлантирган. Остин неопозитивистлар ва эмпирикларнинг барча ҳукмларини эмпирик текшириш (“ҳақиқат”/ “ёлғон” нуқтаи назаридан) зарурлиги ҳақидаги академик фикрларини танқид қилиб, дуализм “ҳақиқат”/ “ёлғон”ни ҳукмларга (propositions) нисбатан қўллаш мумкин эмаслигини айтади. Ушбу баёнот билан Остин илмий мулоқотга “перформатив” атамасини киритди ва ҳукмларни икки гуруҳга, яъни ижро этувчи (перформатив – performatives) ва аниқловчи (констатив – constatives) га ажратди. Сёрл кейинчалик Остин қарашларини ривожлантириб, ижро этувчи (перформатив) сўзларни локутив (locutionary), иллокутив (illocutionary) ва перлокутив (perlocutionary) актлар нуқтаи назаридан муҳокама қилди.

Локутив акт – бу муайян тилда грамматик, лексик ва фонетик талабларга жавоб берадиган ҳар қандай баёнотдир. Локутив акт анъанавий тилшуносликда объективлик назарияси ва ҳақиқатнинг мослик назарияси доирасида ўрганилади. Локутив актдан фарқли ўлароқ, иллокутив акт нафақат маълумотни узатади ва дунёни нофаол тасвирлайди, балки суҳбатдошлар маълум ахлоқий мажбуриятларни ўз зиммаларига оладиган маълум ижтимоий конвенциялар ва нормаларни (яъни интерсубъективизмни) фаоллаштиради¹⁴. Мисол учун, агар локутив акт *“Не делай этого!”*/ *“Бунни қилма!”* каби ифодаларда мурожаат қилувчининг нияти ҳақида маълумот берса, иллокутив акт *“Я протестую против того, чтобы ты делал это”*/ *“Сизнинг бунни қилишингизга қарши норозилик билдираман”* тарзидаги норозилик акти кўринишида маълум бир ижтимоий қабул қилинган тузилмани фаоллаштиради (яъни: бизнинг жамиятимизда бундай қилиш керак эмас; мен ушбу жамият вакили сифатида бунни тақиқлайман; ким бу тамойилга амал қилмаса, у жамиятга “бегона” бўлиб қолади). Бунни қилмасликка ишонтириш эса перлокутив акт саналади: *“Он убедил меня не делать этого”*/ *“У меня бунни қилмасликка ишонтирди”* тарзида. Перлокутив акт – бу адресат (мурожаат қилинувчи)нинг адресант (мурожаат қилувчи) баёнотига жавобидир.

М.Ҳақимовнинг таъкидлашича, нутқий акт таснифи жараёнида қуйидаги лисоний мезонларни ҳисобга олиш таснифнинг тўғри яқунланиши учун асос бўлади. Жумладан, нутқий акт моҳиятини кўрсатиб турувчи иллокутив акт бош лингвистик мезон саналади. Нутқий актнинг содир бўлишида сўзловчи ва тингловчининг ўрни каттадир. Шу маънода сўзловчи ва тингловчининг психологик ҳолатини эътиборга олиш тасниф моҳиятини тўғри

¹⁴ Austin J.L. How to do things with words. Oxford, 1962. – 174 p.

эканлигини кўрсатади. Шунингдек, сўзловчи ва тингловчи қизиқишлари муносабати ҳам нутқий акт таснифида муҳим ўрин тутди¹⁵.

Мулоқот жараёнида шаклланган маъноларга лингвистик ва нолингвистик омиллар таъсир қилади, чунки мулоқот ижтимоий актни билдиради. Тилшуносликдаги бундай нолингвистик жиҳатларга биринчи бўлиб америкалик тилшунос, антрополог Делл Хаймс эътибор қаратди. Формал тилшунослар ва структуралистлар билан баҳслашган Делл Хаймс тушуниш учун тилнинг ижтимоий жиҳатларини ўрганиш зарурлигини таъкидлайди: одамлар ўртасидаги коммуникатив ўзаро таъсир (интерреакция) қабул қилинган ижтимоий нормалар ва амалдаги қоидаларга қанчалик мувофиқлиги асосида содир бўлади. Делл Хаймс фикрига кўра, одамлар мулоқот қилганда, улар фақат тил тизимида қатъийлашган маънолар билангина, мувофиқлаштирилган лингвистик қоидалар (лингвистик компетенция) билан чекланиб қолмайди. Мулоқотда одамлар амал қиладиган ижтимоий қоидаларни у ёки бу нутқ (прагматик ва социоллингвистик компетенция) – ижтимоий релевантлик белгилайди. Ушбу тўртта компонентнинг барчаси – лингвистик, социоллингвистик, прагматик ва стратегик – коммуникатив компетенцияни ташкил қилади¹⁶.

“Коммуникатив компетенция” атамаси академик ҳаётда қарийб 40 йилдан бери қўлланилмоқда¹⁷. Бу атама чет тили ўқитишнинг моҳиятини коммуникатив ёндашув нуқтаи назаридан очиб беради. Делл Хаймс қайд этган лингвистик компетенцияга тўлдирувчи сифатида (фонемалар, морфемалар, сўзлар, гаплар, жумлалар қандай тузилишини тушунтириш учун лингвистик қоидалар), чет тилини ўрганаётган одамлар прагматика ва ижтимоий лингвистик компетенцияларга (ижтимоий контекстда, сўз ва жумлаларни тўғри фойдаланишни тушунтириш (appropriately) қоидалари) эга бўлиши зарур.

Инглиз, рус ва ўзбек тилларида рад этишни (refusals) ифодаловчи нутқий актлар Ўзбекистонда чет тилларини ўрганишга коммуникатив ёндашув нуқтаи назаридан қаралади, бу ижтимоий контекст (ижтимоий ҳолат – social status, масофа – distance ва интенсивлик – intensity) ва ижтимоий меъёрларни (“рад этиш” иборасининг грамматик ва услуби доирасидаги танловга ижтимоий қоидалар қандай таъсир қилади)¹⁸ таҳлил қилишни талаб қилади.

¹⁵ М.Хакимов Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини. Филология фанлари доктори диссертацияси. Тошкент, 2001, 95 б.

¹⁶ Hymes D. Models of the interaction of language and social setting. *Journal of Social Issues*, 23(2), 1967. – 8–38 pp; Hymes D. On communicative competence. In: J.B. Pride and J. Holmes (Eds.). *Sociolinguistics: Selected Readings*. – Penguin, Harmondsworth, 1972. – 269-293 pp.

¹⁷ Celce-Murcia M., Olshtain E. *Discourse and Context in Language Teaching*. – Cambridge University Press, Cambridge, 2000. – 279 p; Celce-Murcia M. Rethinking the role of communicative competence in language teaching. In: E.S. Alcon and M.P. Safant (Eds.). *Intercultural Language Use and Language Learning*. – Springer, 2007. – 41-47 pp; 53. Canale M., & Swain M. Theoretical Bases of Communicative Approaches to Second Language Teaching and Testing. *Applied Linguistics* 1(1), 1980. – 1-47 pp; Hymes D. юқорида кўрсатилган асарлар

¹⁸ Celce-Murcia M., Olshtain E. *Discourse and Context in Language Teaching*. – Cambridge University Press, Cambridge, 2000. – 279 p; Celce-Murcia M. Rethinking the role of communicative competence in language teaching. In: E.S. Alcon and M.P. Safant (Eds.). *Intercultural Language Use and Language Learning*. – Springer, 2007. – 41-47 pp; Ishihara N. & Cohen A. *Teaching and Learning Pragmatics: Where Language and Culture Meet*. – London: Pearson, 2010. – 370 p.

Нутқ актларининг ижтимоий контекст ва ижтимоий қоидаларини тушунтириш “прагматик”/“прагматик компетенция” атамасини қўллашни талаб қилади. Прагматик компетенция нутқни назардан, мулоқот жараёнида лисоний характердаги муаммолардан кўра прагматик хатолар анча жиддийроқ бўлиши мумкин. Шунинг учун, чет тили ўқитувчиларидан нафақат лингвистик билимлар, балки прагматик билимдонлик ҳам талаб қилинади.

Амалий тилшунослик соҳасидаги машҳур америкалик олим Цельче-Мурсия ижтимоий меъёрлар ва нутқ актларининг ижтимоий контекстини умумлаштирган ҳолда қуйидаги компонентларга ишора қилади¹⁹: *ижтимоий контекстуал омиллар, стилистик аҳамиятга эгаллик (релевантлик), маданий омиллар*. Инсонлар инглиз, рус ва ўзбек тилларида нутқий актлар ёрдамида қандай мулоқот қилишларини тушуниш мақсадида ижтимоий меъёрларнинг ушбу тамойиллари ва ижтимоий контекстан диссертациямизда фойдаланганмиз. Бундан ташқари, тилшуносликда нутқ актларининг лингвистик бўлмаган қоидалари ҳозиргача ўрганилаётгани йўқ. Лингвопрагматик доирада *ижтимоий контекстуал омиллар, стилистик аҳамиятлилик, маданий омиллардан* рад этиш ифодасига хос жиҳатлар ҳам ўрганилади. Шу билан бирга, бу прагматик таҳлил тарих, социология, англосаксон дунёсининг анъаналари (биринчи навбатда АҚШ ва Буюк Британиянинг), Россия ва Ўзбекистон ҳақидаги билимларни эгаллашни ҳам талаб қилади.

Тўғридан-тўғри/билвосита рад этиш маълумотлардан фойдаланиш учун жумлани тўғри танлашга ижтимоий мақом, масофа, масаланинг чуқурлиги каби омиллар ҳам таъсир этади, шунингдек, у ёки бу ижтимоий шароитлар рад этиш иборасини релевант сифатида намоён қилади. Коммуникатив ўзаро таъсир содир бўлаётган ижтимоий вазиятни тегишли релевант баҳолашдан кейин тўғридан-тўғри ёки билвосита рад этиш иборадан фойдаланиш маҳорати, нутқ актларининг мана шу нолингвистик жиҳатлари чет тилини ўрганишда прагматик компетенцияни тавсифлайди. Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб Фарбда нутқий актлар назарияси (когнитив лингвистика қисми сифатида) муваффақиятли ривожланди. Республикамиз мустақиллиги билан Ўзбекистонда бу назарияни академик нутқда (дискурс) – муқобил структуравий тилшуносликда муҳокама қилиш имконияти пайдо бўлди. Ўзбек тилшунос олимлари когнитив лингвистикани (прагматика мазкур тилшуносликнинг бир қисми сифатида), нутқ акти назариясини фаол ўргана бошлади. Бошқа тадқиқотлар қаторида лингвопрагматик йўналишда қуйидаги ишлар алоҳида ажралиб туради, булар: ”Инглиз тили сўз ясалишининг стилистик ва прагматик жиҳатлари”²⁰, “Фразеология прагматикаси ва унинг матнли актуаллашуви”²¹, “Бадий портретнинг лингвостилистик воситалари

¹⁹ Celce-Mucia M. юқорида кўрсатилган асарлар

²⁰ Д.У.Ашурованинг “Инглиз тили сўз ясалишининг стилистик ва прагматик жиҳатлари”: Филол.фанлари.номзод.дисс.-Т., 1993. – 405.

²¹ Исмаилов А.Р.Фразеология прагматикаси ва унинг матнли актуаллашуви: инглиз тили фразиологик бирикларининг вақти билан ўзгариши материали бўйича: Филол.фанлари.номзод.дисс.

– Самарқанд, 2001. – 162 б

ва когнитив-прагматик аҳамияти”²², “Инглиз, ўзбек ва рус тилларидаги дунё расмларида Word / сўз / слово концептосфера вербализацияси”²³, “Бадий матндаги қўшма сўзларнинг лингвомаданий ва гендер ўзига хослиги”²⁴, “Хотира концептининг инглиз ва ўзбек тилларидаги умумий ва ўзига хос хусусиятлари”²⁵, “Диалогик дискурдаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик тадқиқи”²⁶, “Комплиментнинг социолингвистик ва прагмалингвистик хусусиятлари”²⁷ кабилардир.

Д.У.Ашурова тилнинг коммуникатив назарияси таъсири доирасида сўз ясовчи воситалар (структуравий тилшунослик) ички хусусиятларидан уларнинг функционал хусусият(коммуникатив-прагматик томон)ларини ўрганишга туб бурилиш бўлганлигини таъкидлаб ўтади. Шундан келиб чиқиб, тадқиқотчи қуйидагича хулоса қилади: “... ҳосила сўзлардан коммуникатив фойдаланиш тамойилларининг келиб чиқиши, бу алоқа салоҳиятга эга ҳосила сўз онтологик табиатининг кучи туфайли унинг таркибий ва семантик хусусиятлари асосида юзага келади”. М.Р.Галиеванинг “Инглиз, ўзбек ва рус тилларидаги олам манзарасида Word/сўз/слово концептосфера вербализацияси” ишида “сўз”ни ўрганиш учун когнитив ва лингвомаданий таҳлилни қўллади. Когнитив ва лингвомаданий таҳлилнинг мақсадини очиш учун муаллиф “концептуаллаштириш”, “туркумлаш”, “дунёнинг миллий манзараси” тушунчаларини муҳокама қилади. Бундан келиб чиқадики, олим “сўз”ни дунёни концептуаллаштириш нуқтаи назаридан тадқиқ этади. Д.Б.Агзамова “Хотира концептининг инглиз ва ўзбек тилларидаги умумий ва ўзига хос хусусиятлари” ўз ишида “хотира” (память) концепт-тушунчани тушунтириб бериш учун когнитив тилшунослик назариясидан фойдаланади. У “хотира” (память) концепт-тушунчани таҳлил қилишда Лакофф ва Джонсонларнинг когнитив метафора назарияси доирасида таҳлил қилишга уриниб кўради ва концепт-тушунча когнитив жараён билан боғлиқ бўлгани учун, бу жараённи метафорик концептуаллаштириш деб номлаш мумкинлигини таъкидлаб ўтади. С.А.Акбарова “Бадий портретнинг лингвостилистик воситалари ва когнитивпрагматик аҳамияти: инглиз бадий матнлари асосида”²⁸ ишида бадий портретни тилшунослик, прагматик, когнитив, гендер ва лингвомаданий хусусиятлари нуқтаи назаридан ўрганади. Л.Р.Раупова “Диалогик дискурдаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик

²²Акбарова С.А. Бадий портретнинг лингвостилистик воситалари ва когнитивпрагматик аҳамияти: инглиз бадий матнлари асосида Филол.фанлари.номзод.дисс. – Тошкент, 2005. – 145.

²³Галиева М.Р. Инглиз,ўзбек ва рус тилларидаги дунё расмларида Word / сўз / слово концептосфера вербализацияси: Филол.фанлари.номзод.дисс. – Тошкент, 2010. – 266.

²⁴Тўхтасинов И.М.Бадий матндаги қўшма сўзларнинг лингвомаданий ва гендер ўзига хослиги:инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида: . – Филол.фанлари.номзод.дисс. – Тошкент, 2011. – 157.

²⁵Агзамова Д.Б. Хотира концептининг инглиз ва ўзбек тилларидаги умумий ва ўзига хос хусусиятлари: Филол.фанлари.номзод.дисс. – Тошкент, 2012. – 164.

²⁶Раупова Л.Р. Диалогик дискурдаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик тадқиқи: Филол.фанлари.номзод.дисс. – Тошкент, 2012. – 261.

²⁷Юлдашева Н.М.Комплиментнинг социолингвистик ва прагмалингвистик хусусиятлар: Филол.фанлари.номзод.дисс. – Самарқанд, 2004. – 167.

²⁸Акбарова С.А. Бадий портретнинг лингвостилистик воситалари ва когнитивпрагматик аҳамияти: инглиз бадий матнлари асосида Филол.фанлари.номзод.дисс. – Тошкент, 2005. – 145.

тадқиқи”²⁹ ишида тил адресант ва адресат иштирокида ҳосил бўлишини таъкидлаб ўтади ва бундай икки томонлама коммуникацияни диалог/дискурс деб номлайди. Унинг фикрича, диалогик дискурс монологик нутқдан синтактик (диалогда тилнинг тузилишига таянилади)³⁰ тузилиши билан фаркланади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Нутқ актлари ва замонавий тилшунослик контекстида тил назарияси”** бир неча тилларнинг назариясига ва уларнинг асосий постулатига бағишланган. Ушбу бобнинг **“Нутқ актларини таҳлил қилиш контекстида чет тилларини ўрганиш назариялари”** биринчи фасли тил (тилни чет тили сифатида ўрганиш) назарияларининг шаклланиши ва хусусиятларига бағишланган: бу кўрсатилган тилни коммуникатив мақсадларда ўрганиш нуктаи назаридан энг самаралиси социалингвистик/лингвопрагматик ёндашув доирасида чет тилини ўрганишдир. Бобнинг иккинчи параграфи **“Тилнинг коммуникатив назарияси: лингвистик-прагматик ёндашув доирасида чет тилларини ўқитиш”** деб номланади. Унда тил чет тилларини ўқитишга лингвопрагматик ёндашув доирасидаги мураккаб ҳодиса сифатида қаралади. **“Анъанавий ва замонавий лингвистик контекстда тил назарияси”** деб ноиланган учинчи бандида Ноам Хомскийнинг структур лингвистика ва лингвистикага асосланган анъанавий контекстдаги тил назарияси муаммолари, шунингдек, замонавий назарий контекстдаги тилшунослик (ноанъанавий тилшунослик), бу когнитив тилшунослик ва социалингвистика назариясига асосланган бўлиб, талабаларнинг социалингвистик, прагматик/дискурсив, стратегик каби қобилиятларини ривожлантиришни назарда тутди. Хомскийнинг тил назариясини танқид қилган Хаймс ва Холлидейлар назариясига кўра, ҳақиқий мулоқотда вазиятларни ўрганиш учун, хусусан, инглиз, рус ва ўзбек тиллари нутқ актларида рад этиш ибораларини лингвопрагматик концептуаллаштиришга ҳаракат қилинган.

1990 йилларда иккинчи – хорижий тилни ўрганиш онгли жараён сифатида тушунтириш, когнитив психология (руҳшунослик) соҳасида тадқиқотларнинг долзарблиги ошди. Когнитив ёндашув бир қатор тасдиқларни таъкидлаб, ажратиб ўтади, хорижий тилни ўрганиш учун когнитив аппарат(онг) қандай ишлашини тушунтиради:

1. Инсонларнинг онги чекланган маълумотлар миқдорини таҳлил ва синтез қилиши мумкин. Шунинг учун, маълумотлар оқими томон тил ўрганувчи турли машқлар нуктаи назардан диверсификация қилиниши керак.

2. Инсоннинг когнитив аппарат(онг)и ахборотни идрок этиш нуктаи назаридан ишлайди ва бу маълумотларга жавоб беради.

Когнитив психология (руҳшунослик)нинг ушбу тасдиқларига асосланиб, олимлар Хэтч, Лонг, Гасс ва бошқалар чет тилини ўрганишда нутқий ўзаро таъсир(интереакция)ни аҳамиятли эканлигини таъкидлайдилар:

²⁹Раупова Л.Р. Диалогик дискурсадаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик тадқиқи: Филол.фанлари.номзод.дисс. – Тошкент, 2012. – 261.

³⁰Раупова Л.Р.

айнан шу ўзаро таъсирда ўқувчилар ўзларининг хатоларини тузатадилар ва шу билан бирга, янги сўзларни ўрганишда бир-бирларига ёрдам берадилар .

Иккинчи тил сифатида хорижий тилни ўрганишда ижтимоий тилшунослик/лингвопрагматик ёндашув когнитив ёндашувдан шу билан фарқ қиладики, у асосий эътиборни ижтимоий контекст ва ижтимоий ўзаро таъсирга қаратади. Лингвистик-прагматик ёндашув шундай жараёнларни кўриб чиқади, булар маданиятлараро коммуникация, турли тиллардаги ўзгаришлар, ижтимоий ўзига хослик ва бошқалар. Шунга қарамай, охириги йилларда ижтимоий тилшунослик/прагматикада тўртта аспектга алоҳида эътибор қаратилди: нутқни биргаликда қуриш, ўзаро таъсир қилиш қобилияти ва коммуникатив компетенция³¹.

Тилнинг коммуникатив назарияси тил ўрганишда яхлит ёндашув нуқтаи назаридан тил ўрганишни таъкидлайди. Айнан шу яхлитликда линвопрагматик ёндашув эътиборга олинади. Ушбу яхлитликнинг аҳамияти шундан иборатки, у қуйидаги факторларни ўз ичига олади, яъни ижтимоий (мавқеи, масофа), маданий (турли, муайян жамиятда меъёр ҳисобланади) ва ҳиссий (қандай ҳолатда рад этилади) каби. Лингвопрагматик ёндашувда шундай тушунчалар ажралиб туради, булар *диққат* (attention) ва *хабардорлик* – *идрок этиши* (awareness).

Диққат – бу хабардорлик – идрок этишга киришни назорат қилиш механизми. Диққат инсон билиш жараёнининг чекланган ресурсидир. У селектив ҳамдир, бунда диққатнинг билиш учун аҳамиятига қараб муайян нарсаларни ва ёки жараёнлар танланади.³² Ушбу тушунчага кўра, линвопрагматик ёндашув нуқтаи назаридан тил ўрганаётганлар шундай факторларга аҳамият беришлари керакки, тил турли ижтимоий, маданий ва ҳиссий контекстда контекстуаллаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Тилнинг контекстуализацияси уларни ижтимоий омиллар (тилдан ташқари) тушунтиришдан бошланади, сўз, гап ва матннинг семантика, синтактика, грамматика ва стилистика жиҳатидан аҳамиятида муҳим роль ўйнайди. Хорижий тилни ўрганишда лингвистик бўлмаган омиллар – (фактор)ларга эътибор қаратиш (аҳамият бериш) аниқ коммуникатив вазиятларни (масалан, рад этиш ифодаси) таҳлил қилиш доирасида амалга ошади. Ўрганаётганлар – талабалар рад этиш ифодасида қайси муайян қоидаларни тақдим этишни (булар контекстаги қоидалар) синтактик, семантик, грамматик ва услубни мувофиқлаштириш каби ижтимоий омилларни тушунадилар.

Анъанавий (структуравий) тилшунослик қуйидаги постулатга асосланади, лингвистик компетенцияни билиш тилнинг ижтимоий тилшунослик ва прагматик жиҳатдан контекстда тўғри қўлланишига олиб келади. Бошқа томондан замонавий назарий контекстда лингвистика (булар ноанъанавий тилшунослик) когнитив тилшунослик ва ижтимоий тилшунослик

³¹ Young R. Sociolinguistic approaches to SLA. Annual Review of Applied Linguistics 19, 1999. – 105-132 pp.

³²Schmidt, R. Attention. In: P. Robinson (ed.). Cognition and second language instruction. – Cambridge, England: Cambridge University Press, 2001. 3-32 pp.

назариясида шаклланади, бу эса талабаларда ижтимоий тилшунослик, прагматик/дискурсив, стратегик компетенцияларни ривожлантириш назарда тутилади. Анъанавий ёндашувда ижтимоий ҳаётнинг барча ҳолатлари учун стандарт иборалар ёдлаш учун тавсия этилади, бунда адресант ва адресатнинг ижтимоий мавқеи, улар ўртасидаги ижтимоий масофа ва қандай ҳолатда рад этиш ибораси қўлланилаётганига аҳамият берилмайди.

Тилни ўз динамикасида ўрганиш лингвистик бўлмаган омилларни ҳисобга олишни ўз ичига олади, прагматик моҳиятни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Масалан, мурожаат қилувчининг нияти (интенция) қабул қилувчи томонидан тўғри талқин қилинган бўлиши лозим. Тил назариясидаги анъанавий тилшунослик контекстда ният(интенция) га кераклича эътибор берилмайди. Ижтимоий тилшунослик/лингвопрагматик ёндашувда оғзаки нутққа (parole) эътибор қаратилади, бу, энг аввало, рад этиш моҳиятини тушуниш учун маълум бир ижтимоий контекстда адресат-мурожаат қилувчининг нияти (интенция)ни таҳлил қилиш сифатида “рад этиш ифодаси” нутқ актини таҳлил қилишни талаб қилади.

Эракак киши: *Сизнинг итингиз тишлайдими?*

Аёл киши: *Йўқ (шундан сўнг эркак итни олдига боради ва уни силайди. Аммо, ит беҳосдан уни тишлайди).*

Эркак киши: *Ай, нимаси бу. Сиз итингизни тишламайди деган эдингизку!*

Аёл киши: *У тишламайди, лекин бу менинг итим эмас.*

Ушбу мисол тил бўлмаган омиллар, масалан, қабул қилувчининг (аёлнинг) нияти коммуникатив ўзаро таъсирнинг муваффақиятини таъминлашда қандай муҳим рол ўйнашини кўрсатади. Ушбу мисолда эркак ва аёл ўртасидаги коммуникатив алоқанинг иккаласи ҳам - мурожаат қилувчи ва қабул қилувчи - бир-бирини тушунмаганлиги сабабли муваффақиятсиз бўлганлигини кўриш мумкин. Бу, биринчи навбатда, эркак билан мулоқот қилишни истамаган ва етарли (миқдорда) маълумот бермаган аёлнинг нияти билан боғлиқ. Агар у хоҳласа, “билмайман, бу менинг итим эмас”, деб айта оларди. Бу истаксизлик натижасида эркак аёлнинг ниятини нотўғри талқин қилди. Ушбу коммуникатив ўзаро таъсирда барча лингвистик қоидаларга риоя қилинган бўлса-да, маълумотларнинг бузилишида лингвистик бўлмаган омиллар рол ўйнади.

Диссертациянинг учинчи бобида “**Замонавий тилшунослик контекстда тил назарияси ичида ҳақиқий (аутентик) маълумотларни тўплаш: лингвопрагматик ёндашув**” лингвопрагматик контекстда функционал тилшунослик – тил назарияси кўриб чиқилади. Ушбу бобнинг биринчи хатбошида лингво-прагматик ёндашув турли ижтимоий контекст ва маданиятларни ҳисобга олган ҳолда муайян коммуникатив вазият нуқтаи назаридан синфларни ташкил қилиш учун ҳақиқий маълумот тўплаш учун бир нечта манбаларни ўрнатишни ўз ичига олади. Кейинги бўлимда замонавий лингвистик контекстда тил назарияси доирасида, рад этишни ифодалаш нуқтаи назаридан аутентик материаллар қандай тузилиши мумкинлиги кўриб

чикилади. Учинчи параграфда лингво-прагматик ёндашув доирасида ҳақиқий материалларни баҳолаш усуллари ва усуллари кўриб чикилади.

Турли ижтимоий контекстлар ва маданиятларни ҳисобга олган ҳолда, аниқ коммуникатив вазиятлар нуқтаи назаридан машғулотларни ташкиллаш мақсадида, лингвопрагматик ёндашув бир нечта ҳақиқий маълумотларни тўплаш учун манбаларни ўргатишни ўз ичига олади. Шундай манбаларга *ҳақиқий нутқ (аутентик) таҳлили (conversation analysis)* ва *электрон лингвистик корпус (electronic corpora)*ни киритиш мумкин. Ҳақиқий нутқ (аутентик) таҳлили инсонларнинг мулоқот жараёнида ўзаро оғзаки(вербал) ва оғзаки бўлмаган (новербал) коммуникатив талқинни ўз ичига олади. Ушбу таҳлил доирасида инсонларнинг ҳақиқий нутқ (аутентик) (таълим мақсадлари учун мўлжаллаб тайёрланмаган) ижтимоий, маданий, мафкуравий, тарихий хусусиятларни инобатга олади. Худди шу хусусиятлар асосида турлича ҳақиқий нутқ (аутентик) қурилади. Шунинг учун бу нутқни таҳлил қилаётган шахс грамматик ёки синтактик нуқтаи назардан нутқ ҳосил бўлганини, балки маданий, ижтимоий меъёр, тарихий жиҳатларни ҳам таҳлил қилади.

Ишончимиз комилки, лингвопрагматик ёндашувни ҳисобга олиб, машғулотларни ташкил этишда бундай ҳақиқий нутқ(аутентик), электрон лингвистик(тилга доир) корпус манбалар катта ёрдам беради. Тил корпуси – бу махсус компьютер дастуридан фойдаланиш орқали таҳлил қилиш мавжуд бўлган компьютерлаштирилган оғзаки ва ёзма матнлар тўпламидир³³.

